2017 йил 10 ноябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 222 (13.555)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ МАСЛАҲАТЧИСИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган нуфузли делегацияга бошчилик қилаётган АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон – Америка муноқоти амалий ҳамкорлик руҳида барқарор ривожланиб бораётганини қайд этди. Сентябрь ойида Ўзбекистон делегациясининг АҚШга сафари ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трамп ва Америка бизнес доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар якунлари томонларнинг ўзаро ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги алоқаларни амалий жиҳатдан кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича интилишлари қатъий эканини намойиш қилди.

Қайд этилганидек, қатор муҳим халқаро муаммолар ечими, глобал хавф ва таҳдидларга қарши курашиш масалаларига ёндашувларнинг мос ва муштарак экани ушбу долзарб йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни сезиларли равишда мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Учрашувда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида Афғонистон ва бутун минтақадаги вазият бўйича фикр алмашилди.

Томонлар Марказий Осиё тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳамкорлик ҳудуди бўлиб қолишидан манфаатдор эканини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбариятининг яхши қўшничилик алоқаларини кенгайтириш ва минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари ва амалий қадамлари муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этилди.

Лиза Кёртис АҚШ раҳбарияти Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда тутган ўрнини юксак қадрлашини таъкидлади. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан узоқ истиқболга мўлжалланган муносабатларни янги босқичга кўтаришдан манфаатдор эканини қайд этди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча ва Бош котибнинг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Германни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Н.Германни БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари лавозимига тайинланганини билан табриклади ва фаолиятига муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг БМТ билан, хусусан, яқингача М.Енча раҳбарлик қилиб келган Минтақавий марказ билан ҳамкорлиги самарали бўлаётганини мамнуният билан қайд этди. Президентимиз 10 ноябрь куни Самарқандда иш бошлайдиган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференцияни ташкил этишда БМТ муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этаётгани, жумладан, йиғилиб қолган масалаларга амалий ечим топиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақанинг узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёти бўйича аниқ таклифлар илгари сураётгани ва амалга ошираётгани таъкидланди.

Меҳмонлар БМТ ва унинг Бош котиби Антониу Гутерриш номидан минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро форум мақсади ва вазифаларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш, “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ўтказиш бўйича илгари сурилган муҳим ташаббуслар мавжуд глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшади.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни мамлакатимизга ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Томас Гремингерни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари Швейцариянинг атоқли дипломатини юқори ва масъулиятли лавозимга тайинланганини билан қутлаб, Ўзбекистон ЕХҲТ билан янада фаол ҳамкорлик қилиш, Ташкилот мандатига кирувчи барча масалалар бўйича ўзаро англашувни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини қайд этди.

ЕХҲТ Бош котибининг ташрифи ҳамда унинг Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро конференциядаги иштироки мамлакатимизда Ташкилот томонидан Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан, демократлаштириш жараёни, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бошқа муҳим жиҳатларига бўлган қизиқишнинг тасдиғи сифатида баҳоланмоқда.

Томас Гремингер Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича изчил ва амалий қадамларини юксак қадрлайди. Юқори мартабали меҳмон нуфузи ва иштирокчилари сони кўплиги бўйича мислсиз бўлган Самарқанд форуми натижалари минтақавий ҳамкорликка янги суръат бериш, стратегик жиҳатдан муҳим минтақада ўзаро англашув ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Меҳмон Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари ЕХҲТнинг хавфсизлик, иқтисодий-экологик ва инсон мезонлари бўйича барча мақсад ва устувор йўналишлари билан тўла ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлади.

ЕХҲТ ва унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўзаро ҳамкорликка, мамлакатимизда узоқ истиқболга мўлжалланган ислоҳотлар ва ўзгаришларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашиш ва эксперт кўмаги кўрсатишга тайёр экани билдирилди.

Учрашувда ЕХҲТ фаолиятига оид бошқа масалалар, жумладан, минтақавий ва халқаро долзарб муаммолар кўриб чиқилди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда электр ва газ таъминоти тизимини изчил модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, энергия тежамкорлик асослари ва етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ учун ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлар барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш, ишчанлик фаоллиги ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлган энергетика тармоғини ривожлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга, истеъмолчилар тоифасини инобатга олган ҳолда етказиб берилаётган энергия ресурслари қийматини аниқлашда табақалаштирилган ёндашишнинг мавжуд эмаслиги улардан ноокилона фойдаланишга олиб келмоқда, энергия тежамкор технологиялар ва муқобил энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантирмаяпти.

Шаҳарсозлик соҳасидаги амалдаги норма ва қоидалар объектларнинг энергия самарадорлигини таъминловчи замонавий талабларга жавоб бермайди. Шунингдек, бинолар ва иншоотларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишида энергия тежамкор материаллар ва технологияларни қўллашга етарли эътиборнинг мавжуд эмаслиги ҳам энергия ресурсларининг ортиқча сарф қилинишига олиб келмоқда.

Электр ва газ таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, бозор механизмларини кенг жорий қилиш орқали энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида:

1. “Ўздавэнергоназорат” ДИ, “Ўздавнефтгазинспекция” ДИ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ўзбекэнерго” АЖнинг фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўздавэнергоназорат” ДИ, “Ўздавнефтгазинспекция” ДИ ва “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖнинг қуйидаги тартибни белгилаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин:

**а) 2018 йил 1 январдан:**

иловага мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар электр энергияси (750 кВАгача бўлган қувватга уланган) ва табиий газ учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўрнатиладиган ўсиб борувчи коэффициентлар ва тарифларга мувофиқ амалга оширадилар;

750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китобларни иккинчи гуруҳ тарифлар бўйича тўловларни амалга оширадиган юридик шахслар учун тариф миқдорида белгиланадиган сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҲАР БИР ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва дастурлар билан танишиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадида 9 ноябрь куни Самарқандга келди.***

Давлатимиз раҳбари Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Шавкат Мирзиёев мазкур мажмуада олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йил 31 август куни пойтахтимизда, 2 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг улуғвор ҳайкаллари очилди.

Айни пайтда Ислом Каримов дафн этилган ёдгорлик мажмуаси ҳудудида сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз вилоятга аввалги ташрифлари чоғида мақбара қурилишини якунига етказиш, зиёратчилар учун шароитларни янада яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда бажарилган кенг қамровли ишлар натижасида мажмуа яхлит меъморий ансамблга айланди. Мақбара атрофида Ҳазрати Хизр масжиди билан уйғун ҳолда миллий услубдаги айвонлар барпо этилди. Йўлаклар атрофи мармар панжара билан қопланди, зиёратчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида замонавий лифтлар ўрнатилди.

Зиёратга келувчиларга йилнинг тўрт фаслида ҳам қулай бўлиши учун зарур шароитлар яратилди. Атрофдаги йўлаклар таъмирланиб, автомобиллар тўхташ жойи барпо этилди. Шоҳи Зинда қабристони деворлари реконструкция қилиниб, ҳудуди ободонлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги шароитларни янада яхшилаш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

Президентимиз Самарқанд шаҳридаги собиқ лифтсозлик заводи ҳудудида ташкил этилган янги саноат мажмуасида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Дастлаб енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14-15 апрель кунлари вилоятга ташрифи чоғида берилган топшириқлар асосида 2017-2018 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган 19 лойиҳа бўйича изчил ишлар бажарилмоқда.

"Сам Рафоат текстиль", "8 март", "Иман текс", "Самарқанд Евро Азия текстиль", "Амин инвест интернейшнл", "Мароқанд сифат" каби корхоналарда тайёрланаётган тикув-трикотаж маҳсулотлари, бўялган трикотаж мато ва кийим-кечаклар ички бозордан ташқари экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Бу корхоналар салоҳиятини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бераётир.

Айни пайтда Пастдарғом, Самарқанд, Булунғур, Оқдарё туманларидаги қатор корхоналарда янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг натижасида жинси мато, жинсидан тайёр кийим-кечак, янги турдаги вельвет, мебель газламалари, аралаш ва синтетик матолар ишлаб чиқариш ҳажми кенгаяди.

Шавкат Мирзиёев соҳада яратиладиган ҳар бир ишчи ўрни муҳим экани, бу корхоналар истиқболини белгилаш ва аҳолини доимий иш билан таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ерда терини қайта ишлаш, чарм-пойабзал ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари "Ideal elektroluks" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маиший техника жиҳозлари, "Sino" акциядорлик жамиятида тайёрланаётган музлаткич ва совуткичларни кўздан кечирди. Маҳсулотларга ташқи бозорда харидор топиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимизга 2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятини комплекс ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Унга кўра, умумий қиймати 5,2 триллион сўмлик 2020 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади, 19 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Мазкур дастур ижроси самарасида келгусида аҳоли даромадларини 2 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,7, хизмат кўрсатиш ҳажмини 1,8, пудрат ишлари кўламини 1,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 1,4 марта ошириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш, айни пайтда 2018 йилга мўлжалланган режалар тузиш зарурлигини таъкидлади. Бунда хорижлик инвесторларни кенгроқ жалб қилиш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш лозим.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида 10-11 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳини қабул қилди.***

ЎзА мухбири уларнинг давлатимиз раҳбари билан учрашувдан кейинги фикрларини ёзиб олди:

**Лиза КЁРТИС, АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори:**

– Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувимиз самарали бўлди. АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдик.

АҚШ Ўзбекистондаги ислоҳотларни, хусусан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, диний эркинлик борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолайди. АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантириш учун жуда катта имконият мавжуд. Мамлакатларимиз ўртасида савдо ва инвестиция алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Биз Ўзбекистоннинг минтақадаги давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини, минтақавий интеграция ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаймиз.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш халқаро ҳамжамият учун устувор масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакатдаги муаммоларга сиёсий ечим топиш, Афғонистоннинг Марказий Осиё билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг роли катта, деб биламиз. Биз Афғонистон масаласида Ўзбекистон билан биргаликда ишлашдан манфаатдормиз. Чунки Афғонистон барқарорлиги Марказий Осиё ва АҚШ учун фойдали, глобал терроризмга қарши курашишнинг муҳим қисмидир.

**Мирослав ЕНЧА, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси:**

– Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида мисли кўрилмаган ўсиш кузатилмоқда. Жорий йилнинг ўзида олий ва юқори даражадаги қатор ташрифлар амалга оширилди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга ташрифи ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги иштироки уларнинг орасида энг муҳимлари бўлди.

БМТ Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди. Бу ислоҳотлар самараси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан минтақавий ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланмоқда. Бу бутун минтақа мамлакатлари фаровонлигини ошириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бунда ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида (тиғиз пайт – белгиланган тартибда ўрнатилган эрталабки ва кечки "энг катта миқдор") фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали, энг кам юкламали соатларда эса (тунги пайт – сутканинг қоронғи вақти) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали ва ярим тиғиз пайтда (сутканинг ёруғ вақти) ўрнатилган тариф бўйича амалга оширилади;

давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади;

якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатиш кўзда тутилади;

**б) давлат органлари ва ташкилотлари 2022 йил 1 январдан:**

уларнинг балансида бўлган бино ва иншоотларда иссиқ сув таъминоти учун фақат сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмалари, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ички ёритиш энергия тежамкор лампалардан фойдаланиши шарт;

марказлаштирилган иссиқ сув таъминотидан узиб қўйилади.

3. "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ:

а) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ ва бошқа идоралар билан биргаликда уч ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари бино ва иншоотларида қуёш сув иситгич қурилмалари ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампаларни ўрнатиш босқичларини, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар асосида иссиқлик ва электр энергия истеъмоли ҳажмини инобатга олган ҳолда мазкур маҳсулотни аниқ етказиб берувчиларини белгилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Давлат органлари ва ташкилотлари икки ҳафта муддатда қуёш сув иситгич қурилмалари ва энергия тежамкор лампаларни жорий қилиш ҳолатлари, иссиқлик ва электр энергияси истеъмоли ҳажми, кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда улар томонидан эгаллаб турилган майдонлар ўлчами ҳақидаги техник маълумотларни ва ҳудуднинг муҳандислик коммуникациялари акс этган режасини "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ га тақдим этилишини таъминласин;

б) "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар билан биргаликда уч ой муддатда:

иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш билан шуғулланувчи корхоналар томонидан "Ўзбекэнерго" АЖнинг электр тармоқлари ва "Ўзтрансгаз" АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланмаган ҳолда иссиқлик ва электр энергияси ҳамда биогазни реализация қилиш тартибини ишлаб чиқсин;

иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар томонидан реализация қилинадиган иссиқлик ва электр энергияси ҳамда биогазга тижорат нархларини белгилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни қўллаш борасида эса "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ билан ҳам мажбурий тартибда келишилиши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда бино ва иншоотларни энергетик аудитдан ўтказиш, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлик паспортини ёки тегишли нормалардан ортиб кетганлик ҳолатини бартараф этиш зарурлиги тўғрисида хулоса бериш, шунингдек, уларнинг энергия самарадорлиги тоифасини аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 мартга қадар муддатда амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини уларнинг қайта кўриб чиқилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаган ҳолда танқидий ўрганиб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги "Ўзэлтехсаноат" АЖ, "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқарилишининг маҳаллийлаштирилишини кенгайтириш ҳамда уларни турар ва нотурар жойларда босқичма-босқич жорий этиш бўйича комплекс дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар муддатда давлат органлари ва муассасаларининг бино ҳамда иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини энергетик аудитдан ўтказиш дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, "Ўзбекэнерго" АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар муддатда фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг мавжуд насос станцияларини уларнинг техник ҳолати, қуввати, балансда сақловчисини аниқлаш, фермер хўжаликлари ер участкаларида электр энергияси ва сув сарфи самарадорлиги нуқтаи назаридан, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари ва республика туманлари кесимида насос станциялари билан суғориладиган ер майдонлари, паст самарали ва энергия кўп сарфлайдиган насосларнинг мавжудлиги, электр энергиясини ҳисоблаш ускуналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан шартномаларнинг мавжудлигини инвентаризациядан ўтказсин.

Инвентаризация якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Ўзбекэнерго" АЖ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда насос станцияларидан фойдаланиш билан боғлиқ эксплуатация қилувчи ташкилотларни, молиялаштиришнинг аниқ манбаларини аниқлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда бухгалтерлик, молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисобини автоматлаштириш бўйича дастурий комплексларни ўз ичига олган бошқарувнинг ягона ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва идоравий бўйсунувидаги корхоналарда жорий этсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 8 ноябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газдан оқилона фойдаланишга ўтиш мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг гарови ҳисобланади.

Шу билан бирга, энергетик сектордаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи энергия тежамкор технологиялар етарли даражада жорий этилмаётгани ва амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари мукаммал эмаслигидан далолат беради.

Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор мамлакат миқёсида энергия тежамкор услублар ва технологияларни жорий қилишда муҳим қадам бўлди.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи бир қатор механизмлар жорий қилинмоқда.

Шу жумладан, пишган ғишт, гипс, цемент ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, муайян хизматлар кўрсатувчи (ресторанлар, кафелар ва б.) истеъмолчилар уланган қуввати 750 кВА бўлган электр энергияси ва табиий газ учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўрнатиладиган ўсиб борувчи коэффициентлар ва тарифларга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган истеъмолчилар электр энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади. Мазкур тартиб бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станцияларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Республиканинг электр таъминоти тизимига юкламани тенглаштириш мақсадида электр энергиядан фойдаланганлик учун тўловларнинг қулай тарифлари жорий қилинмоқда.

Жумладан, тиғиз пайт – эрталабки ва кечки вақтда (белгиланган тартибда ўрнатилади) фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади. Энг кам юкламали соатларда, яъни тунги пайтда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентдан фойдаланилади. Бунда белгиланган тариф ярим тиғиз пайтда, яъни сутканинг ёруғ вақтида электр энергия таъминотига тўловлар учун сақланиб қолади.

Давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини текшириш талаби жорий қилиниши илғор чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмалари, шунингдек, энергия тежамкор лампалар мажбурий тартибда ўрнатилади.

Шу билан бир қаторда, 2022 йил 1 январдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотларини иссиқ сув таъминотидан узиб қўйиш назарда тутилмоқда. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида улар иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмаларидан, шунингдек, ички ёритиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампалардан фойдаланиши шарт бўлади.

Шуни инобатга олган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотлари бино ва иншоотларида қуёш сув иситгич қурилмалари ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампаларни ўрнатиш босқичларини белгилаш тўғрисида топшириқ берилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва энергия тежамкор лампаларни турар ва нотурар жойларда босқичма-босқич жорий этиш бўйича комплекс дастур қабул қилинади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан иссиқ сув таъминоти учун қуёш сув иситгич қурилмаларининг жорий этилиши ва фойдаланилиши натижасида иситилмайдиган даврда (апрель-октябрь) иситиш станциялари томонидан табиий газ истеъмоли ҳажми деярли **10** миллион куб метр ёки **2,5** миллиард сўмга қисқаради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда **35** та биогаз ишлаб чиқарувчилар, **10** та қуёш электр энергияси етказиб берувчилар ва микрогидроэлектр станциялардан электр энергияси ишлаб чиқарувчи **5** та корхонанинг имкониятлари тўлиқ очиб берилмаган.

Шу муносабат билан, қарорда муқобил энергия манбаларини жорий этиш юзасидан тадбиркорлик фаолиятини самарали рағбатлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилди.

Бундан ташқари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган **300 дан** ортиқ шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шуни инобатга олиб, қарорда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилиши, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни қўллаш борасида "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ билан келишилиши назарда тутилмоқда.

Давлат раҳбарининг мазкур қарори, шубҳасиз, Ўзбекистонда замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш бўйича фаолиятни жадаллаштиришга хизмат қилади, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлайди.

# ҲАР БИР ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Вилоятда автомобилсозлик, электротехника, фармацевтика соҳаларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини беради.

Самарқанд вилоятида ер ости бойликлари кўп. Жумладан, керамик плиткалар, цемент, табиий пардозбоп тошлар, металлни рухлаш ва полимерзациялашда ишлатиладиган қазилма бойликлар захиралари мавжуд.

"Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти томонидан мазкур йўналишда келгусида 100 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун асосан хорижий инвестициялар жалб қилинади.

Бугунги кунда вилоятдаги карьерлардан тўлиқ фойдаланиб, қурилишбоп ашёлар қазиб чиқариш кўпайтирилмоқда. Биргина Нуробод туманида Туркия билан ҳамкорликда 25 миллион доллар эвазига 500 минг кубометр газоблок ишлаб чиқариш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев белгиланган лойиҳалар вилоят салоҳиятига мос эмаслиги ва бу борада янада самарали лойиҳаларни ўзлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Пахтачи, Каттақўрғон, Нарпай туманларида ҳали фойдаланилмаган қанчадан-қанча бойликлар мавжуд, деди давлатимиз раҳбари. Бу ҳудудларда геологик изланишлар олиб бориш, четдан инвесторларни жалб қилган ҳолда янги конларни ўзлаштириш лозим. Бу сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга, юзлаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

2017-2018 йилларда Самарқанд вилоятининг туристик салоҳиятини ривожлантириш дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Дастурга биноан 2018 йил вилоятда 19 меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилади. Натижада соҳада мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Самарқанд шаҳрида қўшимча меҳмонхоналар қуриш учун ўндан ортиқ жой танланган. Жумладан, Туркиянинг "APEAS" компаниясига 20 миллион доллар миқдорида инвестиция киритиш ҳисобига 4 юлдузли меҳмонхона қуриш учун ер ажратиб берилган. Замонавий меҳмонхоналар билан бирга хорижий сайёҳлар орасида катта қизиқиш уйғотадиган уй меҳмонхоналар тизимини барпо этиш режалаштирилган.

Президентимиз жорий йилда хориждан келган сайёҳлар вилоят иқтисодиётига келтирган фойда бошқа кўплаб соҳалардагидан юқори эканини таъкидлади. Вилоятда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, иқтисодиёт тараққиётига янгича суръат бериши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифлари чоғида берган кўрсатмалари асосида Самарқанд шаҳрининг Чўпонота массивини ободонлаштириш, янги автомобиль йўли очиш, шаҳар аҳолиси ҳамда сайёҳлар учун замонавий хизмат кўрсатиш объектлари ва меҳмонхоналар барпо этиш мўлжалланмоқда.

Вилоят туризмига тааллуқли яна бир йирик лойиҳа – Амир Темур кўчасидаги собиқ "Алпомиш" заводи ҳудудида барпо этиладиган "Самарқанд-Сити" туристик зонасидир. Шунингдек, Самарқанд эшкак эшиш канали атрофида ҳам замонавий сайёҳлик шаҳарчаси барпо қилинади.

Президентимиз хорижлик мутахассислар иштирокида ишлаб чиқилган сайёҳлик масканлари лойиҳалари билан танишар экан, туристик хизматларга бўлган талаб ошиб бораётганини инобатга олиб, сайёҳлар учун барча шароитларни яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев шу ерда замонавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан туркиялик ишбилармонлар билан суҳбатлашди.

Лойиҳалар билан танишув чоғида Президентимиз қишлоқ хўжалигида янги тармоқ – ёнғоқ етиштиришни кўпайтириш, бу борада илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ўзимизга хос боғдорчилик маданиятини шакллантириш, бугунги кунда дунё бозорида талаб юқори бўлган ёнғоқ маҳсулотлари экспортини ривожлантириш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида чорвачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Шу куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президентимиз тавсиясига кўра, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Туробжон Жўраев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

# ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Самарқандда бўлиб ўтадиган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференция ҳам шу борада муҳим аҳамият касб этади. Унда кўплаб давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этаётгани диққатга сазовор. Бу минтақа мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли масалаларни ҳал этиш ва истиқболдаги мақсадларни белгилаш бўйича фикр алмашиш учун қулай майдон бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ва янада кенгайтириш тарафдоридир.

**Томас ГРЕМИНГЕР, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби:**

– Самарқандда бўлиб ўтадиган нуфузли ва муҳим конференцияга таклиф этгани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Бу конференция замонамизнинг долзарб масалалари муҳокамасига қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Ўзбекистон барқарор ривожланиш, минтақада ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган прагматик сиёсат олиб бормоқда. Бу ёндашув минтақа давлатларининг ўзаро алоқалари ривожига кенг йўл очмоқда.

Марказий Осиёнинг тинчлиги ва тараққиёти бизнинг ташкилотимиз учун ҳам муҳим. Бу ўзаро ҳамкорлик салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини оширади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Биз уни қўллаб-қувватлаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдик. ЕХҲТ ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилди.

**А.САМАДОВ**
**ёзиб олди**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Тошкент вилояти Бекобод техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Жамиятда диний бағрикенглик, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувликни таъминлаш тинчлик ва барқарорлик гаровидир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Бекобод шаҳар ҳокимлиги вакиллари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, ёшлар иштирок этди.**
- **Наманганда "Uztex" компаниялари гуруҳининг "Uztex Uchkurgan" қўшма корхонаси иш бошлади. 16 гектар майдонни эгаллаган енгил саноат мажмуасини қуриш, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашга қарийб 120 миллион доллар маблағ йўналтирилди. Мамлакатимиздаги энг йирик тўқимачилик мажмуаси бўлган ушбу корхонада йилига 16 минг 500 тонна ип-калава ҳамда 7 минг тонна момиқ мато ишлаб чиқарилади.**
- **Жанубий Кореянинг йирик компаниялари вакиллари ва бир гуруҳ маҳаллий тадбиркорлар "Кўқон" эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.**
- **Андижонда "Вояга етмаганлар ўртасида турли салбий ҳолатларнинг олдини олишда психологларнинг роли" мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда таълим муассасалари психологларининг касб малакасини ошириш, ўсмир ёшлар билан ишлаш жараёнида диагностик иш услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, ёшларнинг нутқ, кийиниш, муомала одоби ва маданиятини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.**
- **Самарқандда "Ягона порталдаги электрон давлат хизматлари ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг самарали усуллари" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар машғулотлари давомида вилоят давлат бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларига Ягона портал орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматларини тарғиб қилишда самарали усуллардан фойдаланиш, замонавий медиаформатларни ишга солиш билан боғлиқ маълумотлар берилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Бугун Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиш жараёни доирасида музокараларнинг янги олтинчи раунди бошланди.**
- **Иқтисодиёт ва молия масалалари бўйича Еврокомиссар жорий йилнинг май ойидаги башоратлардан фарқли ўлароқ Еврохудуд мамлакатларида ўтган вақт давомида иқтисодий ўсиш сезиларли даражада юқори бўлганлигини қайд этди.**
- **Кеча Россиянинг Ижевск шаҳрида тўққиз қаватли уйнинг битта йўлаги қулаб тушиши натижасида уч киши ҳалок бўлди, тўрт нафар одам жароҳатланди, қолган барча яшовчилар зудлик билан эвакуация қилинди. Дастлабки тахминларга кўра, ушбу ҳодиса маиший газнинг портлаши натижасида рўй берган. Ҳозирда шаҳарнинг ушбу районида фавқулодда ҳолат жорий этилди.**
- **Калифорниядаги ҳайвонот боғида туткунлик шароитида жуда кам учрайдиган ҳодиса рўй берди. Яъни, Африкада яшовчи йўқолиб бораётган тўмтоқ тумшуқли тимсоҳнинг учта боласи тухумдан чиқди.**

# "ЎЗБЕКИСТОН – САНКТ-ПЕТЕРБУРГ – ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ" МАВЗУИДА БИЗНЕС ФОРУМИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

***Халқаро ҳамкорлик марказида 9 ноябрь куни Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченко бошчилигидаги делегациянинг ташрифи доирасида бизнес-форум бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отажонов, Санкт-Петербург шаҳри губернатори Г.Полтавченко ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва Россия Федерацияси субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, хусусан, апрель ойида имзоланган икки мамлакат минтақалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимиз ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларнинг йўлга қўйилаётгани иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини бермоқда.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан. Давлатларимиз ўртасидаги фаол алоқалар Стратегик шериклик тўғрисидаги ҳамда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида янги босқичга кўтарилди. Кейинги ойларда ҳукуматлараро ва ҳудудлараро даражадаги ташрифларнинг фаоллашгани самарасида савдо айланмаси бўйича изчил ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўзаро савдо айланмаси 120 миллион АҚШ доллардан ошгани ҳам буни кўрсатиб турибди.

Тадбирда Санкт-Петербург шаҳрининг элликка яқин компанияси вакиллари қатнашди. Россиялик ишбилармонларга юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилишга хизмат қилаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида маълумот берилди. Анжуманда саноат зоналари имкониятлари, янги йўналишда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга оид масалалар муҳокама қилинди.

– Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар витаминларга бойлиги, мазаси ва сифати билан дунё бозорида алоҳида эътироф этилади, – дейди "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси бошқарма бошлиғи Б.Юнусов. – Чунончи, Россияда ҳам серқуёш ўлкамизнинг экологик тоза, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига талаб юқори. Бугунги форум доирасида россиялик делегатлар таркибида озиқ-овқат саноатига ихтисослашган кўплаб ташкилотлар вакиллари иштирок этгани мазкур соҳадаги ҳамкорликни янги йўналишларда кенгайтириш имконини берди. Жумладан, Санкт-Петербург ҳукуматининг Ижтимоий овқатланиш бошқармаси билан қиймати 2 миллион доллар миқдоридаги келишувга эришдик. Ўтган йиллар давомида экспортда ҳўл мева-сабзавотлар етакчилик қилган бўлса, эндиликда қуритилган ва қадоқланган мева, полиз маҳсулотларини етказиб беришни ҳам йўлга қўйдик.

Бизнес-форумда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган маърузалари тингланди.

Шу куни Санкт-Петербург губернатори Г.Полтавченко Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов билан учрашув ўтказди. Унда ҳудудлар ўртасида ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Учрашув якунида Тошкент шаҳар ҳокимияти билан Санкт-Петербург ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди.

Шунингдек, Санкт-Петербург губернатори Г.Полтавченко бошчилигидаги делегация Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Мустақиллик майдонини зиёрат қилди.

**(ЎзА)**

***Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

**8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

# КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси томонидан Конституциянинг 25 йиллигини муносиб нишонлаш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ўқувчи-ёшлар ва академия тингловчилари қалбида она Ватанга меҳр-муҳаббат, қонунларимизга ҳурмат туйғусини кучайтириш, онг ва тафаккурини теранлаштириш, маданий савиясини ошириш ҳамда ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида "Конституция — менинг ҳаётимда" мавзуида эссе ёзиш бўйича танлов эълон қилинди.

Академия тингловчилари ўртасида "Конституция — менинг ҳаётимда" мавзусида эссе ёзиш, "Халқ бой бўлса, давлат ҳам қудратли бўлади" мавзуида интервью тайёрлаш, "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" деб номланган ижтимоий сўров ўтказиш, "Ўз фарзандингни ўзинг асра" мавзусида ролик тайёрлаш бўйича ўтказилган танловда биринчи ва иккинчи босқич тингловчиларнинг 150 нафари жалб этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Шайхонтоҳур туман кенгаши ҳамкорлигидаги танловга Шайхонтоҳур туманидаги 35 та умумтаълим мактабларининг 8-10 синф ўқувчилари ҳам жалб қилинди. Жорий йилнинг 16-28 октябрь кунлари "Конституция — менинг ҳаётимда" мавзусида эссе ёзиш бўйича танловнинг дастлабки босқичлари бўлиб ўтди ва унда 7500 га яқин ўқувчилар иштирок этди. Ўқувчилар эсселарини ўзбек, рус ва инглиз тилида тайёрлашди.

Эссе шартларига кўра фикрлар тезис ифодасида берилиши лозим эди. Ўқувчилар эсседа Конституцияга муносабати, ундан нима ўрганганлиги, камолга етишидаги таъсири ва вазифалари ифодасини амалий мисоллар билан очиб бериши кераклигига оид шартлар белгиланган.

Жумладан, уларнинг шахс сифатида шаклланиши ва келажакдаги орзу-мақсадларига эришувида Конституциянинг ўрни, таъсири ҳамда муаллифнинг ушбу ҳолатга муносабатини содда, равон қилиб тасвирлаши мақсад қилиб қўйилган.

– Мамлакатимизда ёшларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, соғлигини ҳимоялаш учун муносиб шароитларни яратишда мактаб ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ижобий самаралари беқиёсдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси "Давлат тузилиши ва бошқарувининг ҳуқуқий асослари" кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, доцент Гулчеҳра Маликова. – Баркамол авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, зарарли иллатлардан ҳимоялаш, маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, эзгу мақсадларини юзага чиқаришга кўмаклашиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан энг долзарби ҳисобланади. Мазкур танлов ҳам, ёшларни тарбиялаш борасидаги ишларни юксак босқичга кўтариш, диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, тартиббузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, келажак авлодни миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда улғайтириш ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади. Бундай танловлар ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда уларни огоҳликка чорлашда муҳим аҳамият касб этади.

Танлов ғолиблари шу йилнинг 1 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида тақдирланади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*(Газетамизнинг кейинги сонларида танловга муносиб деб топилган эсселардан парчалар бериб борамиз).*

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

# СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ЎТКАЗИЛДИ

***Шаҳримизнинг барча туманларида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман ва округ сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-тренинг тадбирлари ўтказилди.***

Унда "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, туман Кенгашларига сайловларни ўтказишда туман ва округ сайлов комиссияларининг олдида турган вазифалар ва иш юритишни ташкил этиш масалалари ҳамда Матбуот марказларининг сайлов кампаниясини тезкор ва холисона ёритиш бўйича мутахассислар томонидан атрофлича маълумотлар бериб ўтилди.

Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент кимё технология институтида ўтказилган тадбирда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси ўринбосари И.Беков, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловларни ёритиш бўйича ягона матбуот маркази раҳбари Ж.Наханов, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Б.Умаров, Тошкент шаҳар Молия бўлимидан масъул ходим А.Маҳмудов, Шайхонтоҳур туман сайлов комиссияси раиси Ш.Муталов, туман сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияси раислари, раис ўринбосарлари, котиблари қатнашдилар.

Семинар-тренингда сўзга чиққанлар 2017 йил 29 августда қабул қилинган 9 моддадан иборат "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти бўйича тўхталиб, мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад — давлат ҳокимиятининг демократик асосларини, вакиллик органларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, маҳаллий Кенгашларга сайлов бу борадаги қонун ҳужжатларига, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига тўла мувофиқ ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда ўтказиш мақсадида қабул қилинганлиги тўғрисидаги фикрларни билдириб ўтди.

Бу каби тадбирлар Бектемир туманидаги 30-сонли мусиқа мактаби, Чилонзор туманидаги Чилонзор педагогика касб-ҳунар коллежи, Учтепа туманидаги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Яккасарой туманидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда, бир сўз билан айтганда шаҳримиздаги барча туманларда қизғин, кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Тадбирларда округ сайлов комиссияси раислари, раис ўринбосарлари, котиблари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, тўлиқ жавобларни олдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгариш ва ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, бозор иқтисодиёти шароитида мустаҳкам билимга эга, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи ва ички сиёсати йўналишларини тушунадиган, таҳлил эта оладиган ёш ва ташаббускор кадрларни тақозо этади.***

# ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 3 ноябрь куни "Давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш шароитида давлат кадрлар сиёсати: Ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт" мавзуида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Сингапур, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан экспертлар, халқаро ташкилотлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, академия тингловчилари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Р.Қосимов, БМТ резидент-координатори, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Х.Фрейзер, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Аллан ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштиришда ҳар томонлама етук, ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган, бошқарувнинг ҳуқуқий асослари ва замонавий усулларидан хабардор, етакчилик фазилати, шунингдек, стратегик режалаштириш ва фавқулодда шароитларда тўғри қарор қабул қила оладиган ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бундай саъй-ҳаракатлар жамиятни маънавий янгилаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги интилишларни юқори поғонага олиб чиқишда муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Конференцияни ўтказишдан асосий мақсад – Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Давлат хизмати тўғрисида"ги ва "Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида"-ги қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш, давлат бошқарувида юқори малакали кадрларни танлаш ва тайёрлашда миллий ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўрганишдан иборат.

– Глобаллашув шароитида интеллектуал салоҳиятли кадрларни танлаш бошқарув тизимида техник ва технологик янгиланиш дастурларини изчил жорий этиш имконини беради, – деди Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Фотима Жакипова. – Бугунги конференция мамлакатларимиз раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилган кенг кўламли янгиланишларни ҳаётга жорий этишга қодир давлат хизмати ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби муҳим масалалар муҳокамасига бағишланди. Тадбир давлат хизматчилари малакасини оширишнинг замонавий тенденциялари борасида фикр алмашиш, давлат ва жамият бошқарувида фундаментал тадқиқотлар йўналишидаги ғояларни умумлаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Форум шўъбаларида давлат хизматининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш ҳолати ва унинг асосий йўналишлари бўйича маъмурий ислоҳотлар концепцияси, кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг самарали тизимлари, давлат-хусусий шериклигини жорий этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

– Мамлакатимизда илғор халқаро тажриба асосида давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори Дилфуза Раҳимова. – Чунончи, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолияти ҳам жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида юксак ижодий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қарашларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни шакллантиришга йўналтирилган. Форум бу борадаги ишларни ҳаётга мақсадли жорий этишда ўзаро тажриба алмашиш учун қулай шароит яратди.

Форумда хорижий экспертлар иштирокида давлат хизмати тизими ва Ўзбекистон Республикасининг давлат кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича келгусидаги ҳаракатлар дастури лойиҳаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича комиссияси Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Унда Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси Ишчи гуруҳи томонидан Шайхонтоҳур туманида ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Жумладан, туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолати таҳлилий кўриб чиқилди. Ўрганиш натижаларига кўра, туманда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан содир этилган жиноятлар сони 10,05 фоизга, жиноят қидирув соҳаси бўйича содир этилган жиноятлар 5,85 фоизга камайган. Бу каби ижобий ҳолатни енгил, унча оғир бўлмаган ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳам кўриш мумкин.

Туманда жиноятларнинг олдини олиш борасида туман Ички ишлар бошқармаси томонидан мунтазам кенг жамоатчилик ҳамкорлиги ижобий натижа бериб келаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳам кўриб чиқилди. Туманда 51 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улардан 33 тасининг шароити қониқарли, 14 тасиники яхши, 4 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси, жумладан, "Шайхонтоҳур", "Лабзак", "Камолон Дарвоза" ва "Ўқчи" маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳолати умуман талабга жавоб бермаслиги таъкидлаб ўтилди.

"Шайхонтоҳур", "Ўқчи", "Олмазор", "Қоратош" маҳалла фуқаролар йиғинларида ички ишлар идоралари билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан тузилган меморандум мавжуд эмас. "Каттабоғ", "Эшонгузар", "Обиназир", Ҳувайдо, "Зафаробод" ва "Янги Белтепа" маҳалла фуқаролар йиғинларида ушбу меморандум бўйича ишлар етарли даражада бажарилмаган.

Тумандаги аксарият маҳалла фуқаролар йиғинларининг иш режаси ва 8 та комиссиясининг иш режалари мавжуд. Аммо айрим маҳалла фуқаролар йиғинларида уларнинг бажарилиш ҳолати қониқарсиз аҳволда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари иш режаларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар мавжуд бўлсада, айрим ҳолатларда ҳисоботлар тўлиқ эмаслиги ва уларнинг бажарилиши талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

Жумладан, "Каттабоғ", "Белтепа", "Бўстон", "Ўзбекистон", "Янги Белтепа" маҳаллаларида тузилган асосий йўналишлар бўйича комиссиялар иш режалари тўлиқ тузилмаганлиги ва бажарилган ишлар бўйича маълумотлар тўлиқ эмаслиги аниқланган.

Шунингдек, аксарият маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан берилган ҳисоботларда амалга оширилган ишлар фақатгина тарғибот тадбирлари билан чекланилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида содир этилган жиноятлар таҳлили, комиссияларнинг иш фаолияти ҳисоботларда ўз аксини топмаган.

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида "Оила муаммолари билан ишлаш дафтари" мавжуд, аммо аксарият ҳолларда масъулларнинг бефарқлиги туфайли дафтарни юритиш борасида қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Айрим ҳолларда қилинаётган ишлар самараси сезилмайди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи оилалар бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган, аммо оиладаги муаммони бартараф этиш чоралари самарасиз ташкил этилган.

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари ҳудудда содир этилган жиноятлар бўйича маълумотларга эга. Бироқ, айрим ҳолатларда маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари ва посбонлари томонидан тақдим этилган маълумотлар билан профилактика инспектори томонидан тақдим этилган маълумотларда фарқ мавжуд.

Туман маҳалла фуқаролар йиғинларининг профилактика инспекторлари профилактик ҳисобда турган, маъмурий назорат остига олинган шахслар ҳақида маълумотга эга. Бироқ, аксарият ҳолатда МФЙлари раислари, маслаҳатчилари ва посбонлари профилактик ҳисобда турган, маъмурий назорат остига олинган шахслар ҳақида маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди.

Вояга етмаганлар, хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан иш режасига тегишли бандлар киритилиб, ижроси юзасидан тегишли баённомалар расмийлаштирилиб борилган.

Туманда профилактик хисобда туриб илгари судланган шахслар томонидан жиноятлар содир этиш ҳолатлари 40 тани ташкил этган бўлиб, шулардан 20 нафари судлар томонидан белгилаб берилган чекловларни бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, йиғилишда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари ташкил этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссияларнинг фаолияти ўрганилганда аксарият маҳаллалардаги комиссиялар доимий равишда, айрим маҳаллаларда эса заруратга қараб фаолият юритиши маълум бўлди.

Бундан ташқари, "Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия"ларнинг 2017 йилга мўлжалланган иш режаларининг 2-бандида ҳудудда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида салбий иллатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланган ва бу бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда ўрганиш натижасида аниқланган ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўриш, бир ойлик муддатда туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг қониқарсиз аҳволдаги ва талабга жавоб бермайдиган биноларини таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига бир ҳафталик муддатда наркотик ёки психотроп моддаларини тайёрлаш, сақлаш, олиб юриш ва сотиш билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек, фоҳишалик билан шуғулланиш, жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилиш, майда безорилик таҳлил этилиб, бунга имконият яратган шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда бу каби жиноят ва салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаш юкланди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман бошқаруви бўлими билан ҳамкорликда уч кунлик муддатда меморандум ҳужжати етказилмаган маҳалла фуқаролар йиғинларига етказилиши, иш режаларининг тасдиқланиши ва унга профилактик тадбирларнинг киритилиши белгиланди.

Бундан ташқари маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ёшлар иттифоқининг туман кенгаши ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг туман кенгашлари билан "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бошқаруви бўлими ва унинг туман бошқаруви бўлимлари ҳамда улар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари ўртасидаги ҳамкорлик ишларини амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши кўрсатиб ўтилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

